

Раъно УРАЗОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш UNESCO кафедраси катта ўқитувчиси,
фалсафа доктори PhD
ranourazova68@mail.iiu.uz

АВЕСТА ИЛОХИЁТ ТИЗИМИНИНГ МИФОЛОГИК АСОСЛАРИ

МИФОЛОГИЧЕСКАЯ ОСНОВА БОГОСЛОВНОЙ СИСТЕМЫ АВЕСТА

THE MYTHOLOGICAL BASIS OF THE AVESTA THEOLOGICAL SYSTEM

Аннотация: Мазкур мақолада Авеста илоҳиёт тизимининг мифологик асослари ва ибтидоий табиат фалсафаси – натурфилософия ғояларини хусусида сўз боради. Митра, Варахран, Аши сингари маъбудлар ва маъбудалар тизими самовий мавҳум тимсоллар сифатида тасвирланиши, Апам Напат, Хвархшет, Мах каби табиат ҳодисаларини илоҳийлаштирувчи тушунчалар инсон тафаккурининг меваси сифатида юзага келганлиги ҳақида илмий ҳулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: Зардуштийлик, Авеста, Апам Напат, Хвархшет, Мах, Вератрагна, Хварно, Аши, натурфилософия.

Аннотация: В статье рассматриваются мифологические основы богословской системы Авесты и идеи первобытной философии природы – натурфилософии. Существуют научные заключения о том, что система богов и богинь, таких как Митра, Варахран, Аши, описывается как небесные абстрактные эмблемы, а концепции, обожествляющие природные явления, такие как Апам Напат, Хвархшет, Мах, возникли как плод человеческого мышления.

Ключевые слова: Зороастризм, Авеста, Апам Напат, Хвархшет, Мах, Вератрагна, Хварно, Аши, натурфилософия.

Annotation: The article examines the mythological foundations of the theological system of the Avesta and the ideas of the primitive philosophy of nature – natural philosophy. There are scientific conclusions that the system of gods and goddesses, such as Mithra, Varahran,

Ashi, is described as abstract celestial emblems, and concepts that deify natural phenomena, such as Apam Napat, Hvarkshet, Mach, arose as the fruit of human thinking.

Keywords: Zorostrism, Avesta, Apam Napat, Hvarkshet, Mach, Veratragna, Xvarno, Ashi, natural philosophy.

КИРИШ

Авеста мифологиясининг мураккаб қатламини қадим замонларда, хусусан, бу китоб ҳали оғзаки анъана асосида авлоддан-авлодга ўтиб келган даврларда реал тарихий ёки ривоят, ҳикоя ва дostonларнинг қолдиқлари ташкил этади [10.61]. Улар орасида тараққиёт босқичларига хос кўплаб қизиқарли фольклорнинг турли қолдиқлари ҳам мавжуд.

АСОСИЙ ҚИСМ

Авеста илоҳиёт тизими ўзининг мифологик асослари билан бир қаторда ибтидоий табиат фалсафаси – натурфилософия ғояларини ҳам акс эттиради. Агар Митра, Варахран, Аши сингари маъбудлар ва маъбудалар тизими самовий мавҳум тимсоллар сифатида тасаввур этилса, Апам Напат, Хвархшет, Мах сингарилар бири сув, иккинчиси самовий реал қуёш тимсоли, учинчиси эса ойни улуғлашни билдиради ва табиат унсurlари олдида, инсон тафаккурининг меваси сифатида юзага келган табиат ҳодисаларини илоҳийлаштирувчи тушунчаларни ифодалайди [5.9]. Шу муносабат билан мазкур илоҳийлашган табиат культлари зардуштийлик диний дунёқарашидан ўрин олган. Авесташуносликда ушбу тизимнинг моҳиятига алоҳида эътибор бериб келинган. Хусусан, мазкур илоҳий зотларга маълум ижтимоий вазифалар ҳам юкланган [2.71]. Масалан, Апам Напат-сув ҳомийси сифатида қаралса, Хвархшет – оламнинг мунавварлиги ва Ахриман томонидан унга етказилган путур туфайли, кун ва тун алмашинувига барҳам бериш, абадий порлоқ оламнинг асл моҳиятини тиклаш йўлида курашчи ҳисобланади [2.71].

Шу ўринда осмон жисmlарининг зардуштийликнинг ғоявий асосларидаги ўрни ва ижтимоий-тарихий функционал вазифалари қуйидагича таҳлил қилинди: Язадлардан Вератрагна кудратли ҳарбий ҳимоят каби тушунилса, Митра борликни ёвузлик, ёлғон, қабоҳат, разолат бузғунликдан асрайди [15.63].

Жумладан, Митра эзгуликнинг ғалабасига хизмат қилади. Унинг энг муҳим вазифаси-илоҳий сўзга содиқлик, инсоннинг имон аҳдида мустаҳкамлигини назорат қилишдир. Айни шу вазифа туфайли Митра битим худоси деб ҳам юритилади. Ҳуқуқий амалий соҳада ҳам битимлар Митра номидан тузилиб, уларнинг ижросидаги бузилишлар Митра томонидан жазоланади деб тушунилган [6].

Язадлар қаторида Хварнонинг ўрни алоҳида. Бу маъбуд А'тарнинг бир кўриниши. Яъни у Ҳақ рамзи илоҳий оловдан қудрат олгучи мавҳум муқаддас куч. У кўринмас ҳолда худо ато этган имонли зотлар саналмиш эзгу ниятли одамларга кўнади. Подшолик салтанати худодан ато бўлади ва Хварно орқали тақдирида бор имонли одамга етишади. Масалан, ёмон ниятли Франхрасйан қанчалик Хварнони (фарни) қўлга киритишга уринмасин, бунга эриша олмайди. Пайғамбарлик мартабаси Зардуштга Хварно орқали етишган. Хварно имонсизларга тутқич бермайди, яқин йўламайди ва ҳоказо. Хварнога Авестада махсус 19-Яшт боби бағишланган.

Мазкур маъбудлардан яна бири Тиштриядир. Бу маъбуднинг номи самодаги Катта ит туркумининг Альфа юлдузи Сириус билан боғлиқ. Бу юлдузнинг шарқона номи Тир бўлиб, энг порлоқ собит юлдуз саналади [2.73]. Тиштрия юлдузи самодаги авж нуқтасига етган вақтда бутун борлиқ намлик билан тўйинади деб тушунилган. Тиштриянинг чиқиши ёмғир, само сувларини, коинот сувларини чақиради. Бу эса иймон-этиқодни кўпайтириб, ёвузликларни ҳам эзгулик йўлига жалб этади. Чунки коинот суви барча учун баробар бутун борлиқни поклайди [2.73], деб этиқод қилинган. Ўрта аср астрономик манбаси ҳисобланмиш Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия, анал қурун ал-ҳолия” китобида Тир шаклида тасвирлаган [1.73-84]. Жумладан, мазкур китобнинг “Йил ҳисобларида ишлатиладиган ойларнинг фазилятлари устида сўз” бобида Беруний ўз даври учун форсий ой номлари қаторида сўғдлар Тиш, хоразмликлар жорий йилнинг биринчи ойини Тира Моҳ атайдилар, деб кўрсатади. Сўнгра бу номни сейистонликлар қадимда Тирён Мо(х) каби номлаганлари ҳақида хабар беради. Барча ҳолларда Беруний бу маъбудга нисбатан этиқодий ҳурмат бўлганини кўрсатади [11.25-28].

Тиштриянинг асотирлар дунёсидан Авестага киритилиши махсус вазифалар билан боғланган. Ушбу вазифаларнинг муқаммал таҳлили эса етарли даражада бажарилмаган [5.9]. Жумладан, авесташунос С.Н.Соколов бу маъбуднинг биргина ёмғир ва намлик билан боғлиқ жиҳатини кўрсатади [13.596].

Аскар Маҳкам ўзи фойдаланган нашрларда берилган изоҳга таяниб [3.203], Тиштрияни қадимги асотирлар, хусусан, маздапарастлар динида ёмғир маъбуди, асосий язадлардан бири деб таърифлайди. Тиштриянинг муқаддас юлдузлар қаторидаги етакчи ўрни, унга берилган вазифанинг аниқлиги Яштда ҳам ифодаланган [2.79].

Тиштрияга бағишланган алқов Зардушт ислохотларидан олдин, диний тафаккурнинг мифологик тасаввурлар билан қоришиб келган даврларидаёқ мавжуд бўлган. Мазда Ясна дини ёлғиз Аҳура Маздага этиқодни ўрнатганда турли маъбудларга сиғиниш рад этилди. Ўз навбатида бу турли маъбудларни улуғлашни ҳам инкор этди. Бироқ Зардуштдан кейин муъбадлар анъанавий кўпхудолик тизимига хос маъбудларнинг барчасини олам ва одам билан бир қаторда Аҳура Мазда яратган деб муроса йўлини топганлар. Турли маъбудларга сиғиниш Аҳура Маздага хуш ёқади, у билиб, кўриб, тинглаб турувчи зот, деб фатво берганлар [9.25-28].

Осмон жисмларидан яна бири Варахран язадлар туркуми доирасида “Вератрагна” деб номланади. Варахран функционал жиҳатдан Митрага яқин туради. Унинг вазифалари борлиқ эзгу дунёни ёвузликлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Бироқ, Варахран Митрага нисбатан кўпроқ ҳарбий салоҳият, куч-қудрат рамзи, осмон билан боғлиқ ҳодисалар, жумладан, момақалдиқроқ кабилар сифатида намоён бўлади [8.18]. Митра эса кўпроқ илоҳий самовий миссияга эга бўлса, Варахран реал заминий куч эгасига ўхшаш ҳаракат қилади. Айниқса, Варахраннинг турли вазиятларда инсон кўзига кўриниш тимсоллари Митрада учрамайди. Митранинг назорат функцияси самовий бўлса, Варахран ўз вазифаларини ерда, гоҳ ўткир тишли ғазабкор қабон тимсолида, гоҳ кўш ўрқачли туя кўринишида, гоҳ ўн беш ёшли кучга тўлган навқирон баҳодир йигит тимсолида намоён этади. Бу каби антроморф ва зооморф хусусиятлар Зардушт дин ислохотидан олдинги

чин маънодаги кўп худолик тасаввурларнинг қолдиғи деб баҳоланиши мумкин. Қолаверса, Варахраннинг илоҳиёт асослари Зардушт ислохотларидан қадимийроқдир. Бу маъбуднинг зардуштийлик илоҳиёт тизимидаги хусусиятларини мутахассислар Ригведанинг Индра номли маъбудаси билан қиёс қилишади. Муҳими шуки, Вератрагна Авестада зардуштийликка қадар қадимийроқ диний тасаввурлар олаmidан “Яшт”ларга олиб кирилган.

Ахура Мазда Зардуштнинг саволига жавобан самодаги “Мен яратган маъбудлар ичра илоҳий зот Варахран энг кучли ва жанговаридир”- деб жавоб беради [7.247-252]. Мана шу суҳбат устида Варахран биринчи бора Зардушт кўз ўнгида пайдо бўлади. Тимсолий маънода Варахран кучли, аммо хуш ва ёқимли шамол қиёфасида кўринади. Бу шамолнинг қанотларида Зардуштнинг тақдир омади, авестачасига фарн-пайғамбарлик миссияси билан боғлиқ бахт олиб келинган бўлади. Яъни, ёқимли шабада қиёфасидаги Варахран Зардуштга Хварнони, илоҳий хабарни бандаларига етказувчилик-пайғамбарлик маъсулиятини келтиради. Бу манзара Хварно алқовида яна таъкидланган. Хварно-илоҳий бахт ва омад рамзи. Фонетик ўзгарган кўриниши фарн, фарр. Кимга фарн (хварно) қўнса, “салтанат-тахт эгаси бўлади”, деб ишонилган. Хварно ёмон ниятли одамлардан қочади. У тутқич бермас нур кўринишида бўлади. Баъзан эса, қуш, оқ рангли қўй ва бошқа қиёфаларга ҳам кира олади [6]. Масалан, Ардашер Бобокон ўғли Сосонийга салтанат бахти-хварно рамзи у минган от саърисиди ўтирган оқ қўй каби эргашган, деб ривоят қилинади. Бу ҳол Аршакийлар сулоласи қўлидан тахт кетишининг ифодаси эди. Бошқа гуруҳ Яштларда Каёнийларга Хварно келиши ҳодисаси зардуштийликнинг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши босқичида дин пешволари томонидан қадимий асотирларни “тарихийлаштириш” тарзида баҳоланиши мумкин [7. 248-249]. Варахраннинг илоҳий вазифалари қаторида адолат ва иймон кўриқчилиги, инсон ва унинг жамиятида эзгуликлар посбонлиги алоҳида ажралиб туради. Демак, Варахран илоҳий ҳимоят эгаси, ўз қудрати кучи ёрдамида, имонли одамларни ёвузликлардан ҳимоя қилади. Борлиқдаги ёвуз кучларга барҳам беради.

Авеста китобида Митра Ахура Мазда яратган маъбуд зотларнинг энг қудратлиси ва серкирралиси қилиб таърифланган. Бу улуғ язад зардуштийлик ҳали диний дунёқараш тизими бўлиб шаклланмасдан аввал ҳам эъзозланган. Ардвиги Сура, Варахран, Тиштрия каби ибтидоий маъбудлар орасида нуфузи жуда баланд тутилган [2.47]. Митра ҳақида гап кетганда, кўпчилик уни “Қуёш худоси” дейишга мойил [15.320]. Аслида зардуштийлик Қуёшни маъбуд сифатида улуғлаб, уни Хвархишед (Хуршед) деб атаган. Митра алқовида таъкидланишича, иймонлилар Ахура Маздага, Митрага, сўнгра Ойга, юлдузларга ва Қуёшга топинганлар [2.49].

Митранинг маъбуд сифатидаги вазифалари хилма-хил ва мураккаб манзарани тасвирлайди. Аввало, Митра динда имон-у, эътиқоднинг кўриқчиси вазифасини бажаради. Бу функция иймонли инсоннинг имону аҳдидан қайтишини жазолаш билан боғлиқ. Авестада одамнинг иймонга келиши худо билан битим тузишдек, аҳдлашиш, сўз беришдек тасвирланади. Қадимий тасаввурларга кўра маъбуд Митра аҳдлашувчи томонларнинг илоҳий гувоҳи, аҳдни бузувчиларнинг ҳаками ҳисобланган. Бунинг яққол мисолини VII аср охири-VIII аср бошига оид сўғд тилидаги ҳужжатларда кўришимиз мумкин [12.56]. Бундан ташқари Митра – қудратли ҳукмдор, гўзал нотик, қомати тик, бўйдор, осмоний билимдон, худо сўзини қалбига жойлаган, қудратли, жанговар, савобдор ва кодир. Битим хоинларининг бошларини янчади ва ҳ.к [4.34].

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни ўртага қўйиш мумкин:

1. Осмон жисмларига эътиқод ва урф-одат нуқтаи назаридан ҳурмат билан қараш масаласи маънавий, тарихий, ижтимоий илдизларга эга. Айниқса юлдузларнинг мавсумий ёки даврий ҳаракатлари ҳаётнинг турли ижтимоий-ташкилий ҳолатларига тўғри келиши, баъзан эса, турли табиий ё ижтимоий бухронлар билан боғлиқ тасаввур қилингани уларни муқаддас деб эъзозланишига олиб келган. Бу эътиқод шакли Авеста таркибига Зардушт ислоҳоти (илк темир даври)дан аввалги мифологик айтимлар асосида киритилган.

2. Тиштрия юлдузига эътиқод анъанасининг қадимий цивилизация ўчоқларида ҳам кузатиш

мумкин. Масалан, қадимги Мисрда қолдиқлари борлиги ибтидоий жаҳон миқёсида табиатни кузатиш тажрибалари натижасидир. Яъни, Сириус (Тиштрия) юлдузининг осмондаги ҳаракати йиллик босқичларида табиатда сув билан боғлиқ ўзгаришларнинг доимий хусусиятлари (сув сатҳининг кўтарилиши, суғориш ишларининг самарадорлиги, қурғоқчиликнинг барҳам топиши) кабиларнинг бош сабабчиси, дея илоҳийлаштирилган.

3. Тиштрия Яшти таркибига кирган бир қатор воқеабанд унсурлар исломдан аввалги қадимиятга хос халқ оғзаки ижоди, асотирий дostonларнинг қолдиқлари ёки уларга Авестадаги ишоратлардир. Демак, Тиштрия зардуштийликнинг ибтидоий табиат култи даражасидан маъбудлик мақомигача “йўл”ни босиб ўтган мифологик, диний-фалсафий тимсолдир.

4. Митра Яшти галактикамизнинг асосий юлдузи Қуёш билан боғлиқ. Қуёш авестача хвар хшайтий деб аталгани билан унинг нурига нисбатан Меҳр тушунчасини боғлаш одат тусига кирган: “партави меҳр, меҳр нури” каби тушунчаларнинг маъно илдизи шу билан боғлиқ.

5. Митра Яштининг таркибида бу алқовнинг асотирий ҳамда реал тарихий унсурлари аралаш ҳолда мужассамдир. Митранинг жанговар қуроллари – сариқ маъдандан болтаси, қирра учқир гурзиси, узун найзаси – булар бронза ва илк темир даври билан, яъни милоддан аввалги II-I минг йиллик бошларига оиддир. Демак, Митра Яштининг Авестага киритилган матни бронза асри ва темир асрининг бошларига мансубдир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. I жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 73-84.
2. Авесто: Яшт китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 71.
3. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Аскар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.203.
4. Жўраев Ш. Авестанинг Яштларида маъбудлар. – Тошкент: ТДШИ, 2009. -34 б.
5. Исҳоқов М.М. Авеста мифологияси қатлами // Тафаккур. – Тошкент, 1999. – № 5.– Б. 9.
6. Книга деяний Ардашера сына Попака (Карманаки Ардашера Папакан). Перевод и комментарии О. Чунаковой. – Москва, 1987.

7. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – Москва, 1992. – С.247-252.
8. Ригведа. Избранные гимны. Перевод, комментарий и вступательная статья Т. Я.Елизаренковой. – Москва: Наука. ГРВЛ, 1972. – С.18.
9. Ra'no, T.U. (2016). Interpretation of the 31st – Khāt of Yasna of “Avesta”. Himalayan and Central Asian Studies. ISSN 0971-9318, Jawaharlal Nehru University New Delhi, INDIA, 110067, Vol.20 No.4 October-December.
10. Ra'no, T. U. (2017). Religious and social thoughts of the people of ancient India, Central Asia and Iran. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.
11. Уразова Р. “Мах Яшт” ва осмон жисмларининг зардуштийлик ғоявий асосларидаги ўрни // Илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – № 3. – Б. 25-28.
12. Согдийские документы с горы Муг. Вып.II. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – Москва, 1962. – С.22-26. Яна қаранг: М.М. Исҳоқов. Унутилган подшоликлардан хатлар. – Тошкент, 1992. – 56 б.
13. Соколов С.Н. Духовность культура. Религия // История таджикского народа. – Т. I. – Москва: ГРВЛ.,1963. – 596 с.
14. Фирдавсий А. Шохнома. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 736 б.
15. Ҳомидов Ҳ. Авестодан Шохномага. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 320 б.